

УЎК: 339.187.62

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Латипова Шаҳноза Махмудовна**

«Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси ўқитувчиси,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**Аннотация.** *Инновацион гоъяларнинг яратилиши кўп жиҳатдан молиялаштириши манбаларини қидириб топиши муаммоси билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада лизингнинг инновацион фаолиятни молиялаштиришининг самарали воситаси сифатидаги аҳамияти ва моҳияти, лизинг бозорида инновацион лизингни шакллантириши ва ривожлантириши омиллари ёритилган. Инновацион лизинг шартномасида иштирок этувчи субъектлар учун унинг самарадорлигини баҳолаш орқали субъектларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариши жараёнини тезлаштиришга эришиши мавзунинг мақсади сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга эришиши учун инновацион ва классик молиявий лизингнинг фарқли жиҳатлари ёритилган, инновацион лизинг шартномасининг молиявий модели аҳамияти, уни аниқлашда қўллаш мумкин бўлган формулалар келтирилиб, инновацион лизинг механизмининг умумий кўриниши акс эттирилган, мамлакат ва хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида инновацион лизинг механизмидан фойдаланишининг самарадорлиги ҳақида фикр юритилган. Миллий молия бозорида инновацион лизингни шакллантириши ва уни янада ривожлантириши бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

**Таянч тушунчалар:** *лизинг, инновацион лизинг, махсус асбоб-ускуна, молиявий модель, соф дисконтиланган даромад, ички рентабеллик даражаси.*

## ФОРМИРОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ЛИЗИНГОВЫХ УСЛУГ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Латипова Шаҳноза Махмудовна**

преподаватель кафедры «Финансовые и страховые услуги»,  
Самарқандский институт экономики и сервиса

**Аннотация.** *Формирование инновационных идей часто связано с проблемой поиска источников финансирования. В связи с этим в статье подчеркивается важность и значимость лизинга в качестве эффективного средства финансирования инновационной деятельности. Также приводятся факторы формирования и развития инновационного лизинга на рынке лизинга. Целью статьи является улучшение финансового состояния субъектов, участников инновационного лизингового договора посредством оценки их эффективности, а также ускорения процесса производства инновационной продукции. Для достижения этой цели показаны различия между инновационным и классическим финансовым лизингом, важность финансовой модели инновационного лизингового договора, формулы, которые можно использовать для его идентификации, а также общий обзор инновационного лизингового механизма. Представлена эффективность использования инновационных лизинговых механизмов на государственном уровне и уровне хозяйствующих субъектов. Разработаны научно-практические предложения по формированию и дальнейшему развитию инновационного лизинга на национальном финансовом рынке.*

**Ключевые слова:** *лизинг, инновационный лизинг, специализированный инновационный продукт, финансовая модель, чистый дисконтированный доход, коэффициент внутренней доходности.*

## FORMATION OF THE THEORETICAL BASIS FOR THE IMPLEMENTATION OF INNOVATIVE LEASING SERVICES IN THE NATIONAL ECONOMY

**Latipova Shakhnoza Makhmudovna**

Lecturer, Chair of «Financial and insurance services»  
Samarkand Institute of Economics and Service

**Annotation.** *The formation of innovative ideas is often associated with the problem of finding sources of financing. In this regard, the article emphasizes the importance and significance of leasing as an effective means of financing innovative activities. It deals with the factors of formation and development of innovative leasing in the leasing market. The aim of the article is to improve the financial condition of the subjects, participants of the innovative leasing agreement, by evaluating their effectiveness, as well as accelerating the production of innovative products. To achieve this goal, the differences between innovative and classic financial leasing, the importance of the financial model of an innovative leasing agreement, the formulas that can be used to identify it, and a general overview of the innovative leasing mechanism are shown. The efficiency of using innovative leasing mechanisms at the state level and the level of business entities is presented. Scientific and practical proposals for the formation and further development of innovative leasing in the national financial market have been developed.*

**Key words:** *leasing, innovative leasing, specialized innovation product, financial model, net present value, internal profitability ratio.*

### Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришда макроиқтисодий барқарорликни янада мустақамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун лизинг хизматларининг ҳажмини ошириш, уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини яхшилаш ҳисобига маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади [1].

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўсиш хомашё ҳисобига эмас, аксинча, тайёр маҳсулотни яратиш ҳисобига бўлаётгани миллий саноат тизимида техник ва инновацион қайта қуроолантириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини англайди. Аммо шуни қайд этиш керакки, сўнгги ўн йилликлар давомида миллий саноат корхоналарининг инновацион фаоллиги ўн фоиз атрофида қайд этилмоқда. Бундай ҳолат, одатда, асосий фондларнинг жисмоний ҳамда маънавий эскириши билан изоҳланади. Шунингдек, кўплаб саноат корхоналари учун активларни янгилаш стратегияси, асосан, ички молиявий манбаларнинг тақчиллиги туфайли орқанда қолмоқда.

Бундай шароитда саноат соҳасида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш-

нинг янги шакл ва турларидан кенг фойдаланиш долзарб аҳамият касб этиб боради. Муаллиф фикрича, саноат корхоналарининг инновацион лойиҳаларини молиялаштиришдаги энг самарали молиявий воситалардан бири – бу лизинг бўлиб, ҳозирги кунга қадар у нисбатан янги ва юқори талабга эга бўлмаган хизмат тури сифатида қўлланиб келинмоқда. Инновацион фаолиятда лизингнинг долзарблиги, биринчидан, инновацион фаолиятни ривожлантиришда молия-кредит ресурсларининг тақчиллиги, иккинчидан, лизингнинг иқтисодий фаолият шакли сифатидаги фойдалилиги ҳамда инновацион жараённинг ҳар бир босқичида кузатиладиган молиялаштиришнинг самарали шакли сифатидаги аҳамияти билан белгиланади. Бунга асосий сабаб сифатида қуйидаги омилларни келтиришимиз мумкин:

- хўжалик юритишнинг замонавий шароитида лизингнинг саноат соҳасидаги инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг мақбул усули сифатида асосланмаганлиги;
- мамлакат саноат соҳасида лизинг муносабатларининг ривожланиш даражаси таҳлил қилинмаганлиги;
- мамлакат саноат соҳасида лизинг муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни аниқлаш ва бир вақтнинг ўзида салбий омиллар таъсири-

ни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг кам таъсирчанлиги.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан шу нарса маълумки, тараққиётнинг инновацион йўлини рақобатбардош билим ва технологияларга илмий ғояларни йўналтирадиган мукамал инновацион тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда, инновацион ривожланиш нафақат инновацион жараёнлар натижасини амалиётга татбиқ этиш, балки инновацион фаол корхоналарни моддий-техник база билан таъминлаш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Шундай экан, юзага келган ҳолат мамлакатимизда лизинг механизмини ривожлантириш ва тартибга солишда янгича ёндашувни талаб этади. Бу борада, аввало, инновацион соҳада лизинг механизmidан фойдаланишнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтиш лозим.

#### **Адабиётларга тавсиф**

Лизинг жараёни деганда, лойиҳа бўйича концептуал ғоянинг шаклланишидан бошлаб унинг амалга оширилишигача бўлган жараён тушунилади. Ушбу жараён лизинг объекти бўлган асосий воситалардан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда шартноманинг тугатилиши билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олган учта асосий босқич (дастлабки, яъни тайёргарлик (инвестициядан олдинги), ташкилий (инвестицион) ва объектдан фойдаланиш босқич)ларда ўз аксини топади [2]. Шундай экан, инновацион фаолиятда лизингдан анъанавий фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лизинг хизмати маълум бир имкониятлар доирасида қайд этилган уч босқич орқали рақобатбардош билим ва технологияларнинг охириги истеъмолчига етиб боришини таъминловчи ишлаб чиқарувчининг барча имкониятларини ишга солишга кўмаклашади. Айнан ана шундай ҳолатда «инновацион лизинг» юзага келади.

Инновацион лизинг тушунчаси сўнгги йилларда иқтисодчилар томонидан кенг қўлланилиб, унга турлича таъриф берилган. Хусусан, Н.Г. Король томонидан инновацион лизингга инновацион фаолиятни таъминловчи молиявий ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштириш деб таъриф берилган [3].

А.А. Аюпов ўзининг илмий ишларида «инновацион лизинг»га иқтисодий муносабатлар субъектлари (лизингга олувчи, лизингга берувчи ва сотувчи) ўртасида юзага

келадиган аниқ ва махсус иқтисодий муносабатлар шакли сифатида ёндашади. Бунда лизинг инновацион маҳсулотнинг бозорга кириб бориш усули сифатида бир пайтнинг ўзида инновацион фаолиятнинг амалга оширилишига замин яратади ёки лизингнинг ўзи шаклан ҳамда моҳиятан инновация сифатида ёки юқоридагиларнинг комбинацияси бўлиб майдонга чиқади [4]. Инновацион лизинг лизингга берувчининг инвестицион портфелида мавжуд бўлган мураккаб воситалардан бири бўлиб, ундан тўғри ва самарали фойдаланишгина лизингга берувчи ва лизингга олувчи учун ижобий бўлиши мумкин.

#### **Асосий қисм**

Инновацион лизинг билан классик молиявий лизинг ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- шартнома субъектлари нуқтаи назаридан. Классик молиявий лизинг доирасида молиявий муносабатлар мулк сотувчиси билан лизингга берувчи (олди-сотди шартномаси) ҳамда лизингга берувчи билан лизингга олувчи ўртасида (лизинг шартномаси) кузатилади. Бундан ташқари, ушбу жараёнда билвосита иштирокчилар ҳам қатнашиши мумкин. Инновацион лизингга эса лизингга олувчилар иккита бўлади;

- иштирок этувчи субъектларнинг ўзаро таъсир этиш мақсадлари нуқтаи назаридан. Классик молиявий лизингга лизингга берувчининг мақсади лизинг объектини лизингга олувчига ҳақ тўлаш эвазига беришдан даромад олиш бўлса, лизингга олувчи лизинг орқали маълум бир солиқ имтиёзларига эга бўлишни хоҳлайди. Лизинг объекти сотувчиси эса ўз маҳсулотини лизинг орқали реализация қилиш имкониятига эга бўлади. Инновацион лизингга эса иштирокчиларнинг асосий мақсади лизингга берувчининг воситачи сифатида фаолият юритиши орқали инновацион маҳсулотни яратиш ва уни реализация қилишда намоён бўлади;

- шартнома объекти нуқтаи назаридан. Классик молиявий лизингга шартномада лизинг объекти сифатида тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулккий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк белгиланиши мумкин. Классик молиявий лизингдан

фарқли ўлароқ, инновацион лизингда субъектни махсус асбоб-ускуна<sup>1</sup> билан таъминлаш мақсади қўйилади. Бунинг ўзига хос жиҳати шундаки, ишлаб чиқарувчи лизингга берувчидан шартнома объекти ҳисобланган асбоб-ускуна сифатида интеллектуал мулк (ноу-хау, маълум бир фаолиятни амалга ошириш учун лицензия)ларни олиб, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўллайди ва бу маҳсулот лизингга олувчига лизинг объекти сифатида тақдим этилади;

- шартнома иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан. Классик молиявий лизингда бир шартнома орқали лизингга берувчи лизингга олувчининг топшириғига асосан, маълум бир мулкни сотиб олади ва ундан фойдаланиш ҳамда кейинчалик ўз балансига олиш (тўловлилик тамойили) шarti асосида лизингга олувчига тақдим этади (мулкчилик ҳуқуқи ўзгаради). Инновацион лизингда эса шартнома тўрт томонлама (ишлаб чиқарувчи – лизингга берувчи – лизингга олувчи (1) – лизингга олувчи (2)) характердаги муносабатларни ўзида акс эттиради (1-расм).

Инновацион лизинг шартномасида иштирок этувчи субъектлар шартномада иштирок этишдан олдин шартноманинг молиявий моделига алоҳида эътибор беришлари талаб этилади. Сабаби, молиявий модель шартномада иштирок этувчи субъектларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини баҳолай олиши лозим. Бундай баҳолаш эса, аввало, шартнома бўйича соф дисконтланган даромад (СДД) ни аниқлаш орқали амалга оширилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишимиз мумкин:

$$СДД = \sum_{n=1}^N \left( \frac{ЛТ_n}{(1+d)^n} \right) - Қиау \quad (1)$$

Бу ерда:

ЛТ<sub>n</sub> – асбоб-ускунадан фойдаланганлик учун тўлов;

d – шартнома бўйича қўлланиладиган дисконт ставкаси;

Қиау – асбоб-ускуна қиймати;

n – асбоб-ускуна лизинги бўйича шартнома муддати.

Ушбу формуладан фойдаланган ҳолда, лизингга олувчи шартномани тузишдан олдин лизинг ҳамда кредит механизмларининг афзалликларини аниқлаб олиши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инновацион лизингни амалга оширишда шартноманинг молиявий модели таркибида инновацион лизингдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис лизингнинг самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги тенгсизликдан фойдаланиш зарур:

$$ИРД_n > P_{ya}, \quad (2)$$

бу ерда: ИРД<sub>n</sub> – инновацион лизинг асосида олинган корхона активларининг кутилаётган ички рентабеллик даражаси;

P<sub>np</sub> – корхона активларининг (лизингсиз) кутилаётган рентабеллиги.

Халқаро амалиётда лизингнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги тамойиллар кенг қўлланилади:


- даромад ва харажатларни ажратиш тамойили – инвестицион лойиҳа билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган даромад ҳамда харажатларни ажратишда намоён бўлиб, корхона томонидан маблағларни жойлаштиришда кутиладиган даромад миқдорини аниқлаш ва бунинг учун қанча харажат талаб этилишини билиш мақсадида фойдаланилади.

- баҳолашни муқобиллаштириш тамойили – маблағларни бошқа муқобил лойиҳаларга йўналтирмасдан айнан шу лойиҳага жалб этиш қарорини асослашдан иборат. Бунда СДД (соф жорий қиймат) ва d (вақт даври бўйича бирлик улуши кўринишидаги дисконтлашнинг ставкаси) ҳамда ИРД (инновацион лизинг асосида олинган корхона активларининг кутилаётган ички рентабеллик даражаси) кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Агар СДД=0 бўлса, у активларнинг кутилаётган ички рентабеллик даражаси (ИРД) деб номланади. ИРД кўрсаткичи лойиҳага киритилган инвестициянинг қўлга киритиладиган фоиз даражасини англатади. Лойиҳа СДД>0, ИРД> d бўлганда самарали, аксинча, СДД<0, ИРД<d бўлганда эса самарасиз ҳисобланади.

<sup>1</sup>Махсус асбоб-ускуна деганда, кўпинча аниқ операция (аниқ маҳсулот) учун мўлжалланган, амалда мавжуд стандарт асбоб-ускунани модернизациялаш натижасида яратиладиган асбоб-ускуна тушунилади.

1-расм. Инновацион лизинг механизмининг умумий кўриниши



Инвестицион лойиҳаларни инновацион лизинг механизми асосида молиялаштиришни нафақат корхона (ёки тармоқ), балки ҳудуд (бутун мамлакат) миқёсида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг асосий сабаби

шундаки, лизинг механизмини қўллаш натижасида нафақат корхона (ёки тармоқ), балки бутун бир ҳудуд иқтисодий самарадорлиги ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин (2-расм).

Макро (мезо) даражада	Микро даражада
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмининг ўсиши</li> <li>• Бюджетга солиқ тушумларининг ортиши</li> <li>• Аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошиши ва б.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхона (тармоқ) фаолияти масштабининг кенгайиши</li> <li>• Харажатларнинг қисқариши</li> <li>• Корхона рақобатбардошлигининг ошиши</li> <li>• Бизнес қийматининг капиталлашуви</li> </ul>

2-расм. Турли даражада лизинг механизмидан фойдаланишнинг самарадорлиги

### Хулоса

Гарчи мамлакатимизда лизинг бозорини ривожлантириш борасида маълум бир чоратадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, лизинг хизматларининг ЯИМдаги улуши нисбатан пастлигича қолмоқда. Миллий лизинг бозорида ҳам сифат жиҳатдан ривожланганлик даражаси нисбатан паст. Истиқболда инновацион лизингни жорий этиш ва бу хизмат турини янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

- инновацион лизинг хизматларини амалга оширувчи мутахассислар инновациялар, тижорат, асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш, назорат, қонунчилик, мол-мулкни суғурталаш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билимга эга бўлишлари талаб этилади;

- инновацион лизинг хизматларини амалга оширувчи лизинг компанияларда маблағлар тақчиллиги муаммосини бартараф этиш учун «активлар секьюритизацияси» деб номланган инновацион молиявий механизмдан фойдаланишни йўлга қўйиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш;

- инновацион лизинг хизматлари бўйи-

ча тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, инновацион лизинг хизмати юзасидан тузиладиган шартномаларнинг намуналарини шакллантириш, лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик йиғимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозорнинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизингни жорий этиш мақсадида молиялаштиришнинг муқобил усуллари ни таққослаш лозим. Бунда молиялаштириш муқобил усуллари натижаларини чиқимларнинг ҳақиқий қиймати кўрсаткичи, кутилган соф фойда бўйича қиёслаш талаб этилади;

- инновацион лизингни амалга оширишда «Ишончли лизингга олувчилар»ни тўғри танлаш, улар таклиф этадиган лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини аниқлаш лизингдан фойдаланиш амалиётидаги асосий муаммолардан биридир. Шу билан бирга, лизингга олувчиларнинг кредит қобилиятини аниқлаш ва лизинг бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш кўп жиҳатдан лизинг опера-

цияларининг самарадорлигини олдиндан белгилаб беради. Бу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун халқаро тажрибага асосланиб, Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятни эътиборга олиб иш тутиш лозим. Шунинг баробарида инновацион лизинг хизматларини бутун республика ҳудудида бир маромда кенгайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундай лизинг хизматларини кенгайтириш учун лизинг битимлари таъминотининг кенг ахборот базасини вужудга келтириш, самарали ҳаётий лизинг лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам берадиган консалтинг компаниялари ва фирмалари, бошқа воситачилик ташкилотларини

тузиш зарур. Лизинг компанияларини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартлар билан молиявий ресурслар бериб турадиган махсус фондлар бўлиши лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, инновацион лизинг хизматининг назарий асосларини яратиш, бундай муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш, шу билан бир қаторда, юқоридаги тақлифларни амалиётга жорий этиш миллий иқтисодиётда инновацион лизинг хизматларининг бундан кейинги ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

### *Манба ва адабиётлар*

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони.*
2. Горемыкин В.А. *Организационное и методическое обеспечение лизингового процесса // Финансовый менеджмент. – 2003. – № 5. – С.103-123.*
3. Король Н.Г. *Инновационный лизинг. Лизинг программного обеспечения // Управление финансами и рисками в лизинговой компании. – 2003. – № 1. – www.lawmix.ru*
4. [http://www.mirkin.ru/\\_docs/book018.pdf](http://www.mirkin.ru/_docs/book018.pdf)
5. *Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 756-I-сон «Лизинг тўғрисида» ги қонуни, 3-модда.*

### **Тақризчи:**

Сафаров Б., и.ф.д., Самарқанд давлат университети «Иқтисодиёт ва бизнес» факультети декани